



2023-yil
4-aprel
seshanba
№ 41 (4793)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!


O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



◆ Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини модернизация қилиш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.



◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Президентининг маслаҳатчиси Изабель Дюмонни қабул қилди. Учрашувда олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари ва икки мамлакатнинг ҳар томонлама шериклигини кенгайтириш истисқобллари кўриб чиқилди.



◆ «Сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



◆ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда мақбул ечим сифатида чиқиндининг ноль даражаси роли» мавзусида Бош Ассамблеянинг юқори даражадаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси Б.Алихонев иштирок этди.



◆ Термиз шаҳридаги Санъат саройида 7 апрель – Бутунжаҳон саломатлик кўни муносабати билан «Саломатлик сайли» ўтказилди.



◆ Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаровнинг кам таъминланган оилалар вакилларини Умра зияратига юборишда давлат томонидан ёрдам бериш борасидаги илтимоси Президентининг томонидан қаноатлантирилиб, бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида 100 нафар қорақалпоғистонлик ҳам Умра зияратига бориб қайтди.



◆ Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразақов Хитойнинг «Feng Yuan» компанияси раҳбари Гуойинг Фу бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



◆ Хоразм вилоятидаги педофил-амалдорлар – Хоразм вилояти адлия бошқармаси собиқ бошлиғи Айбек Машарипов ва туман ФВБ раҳбари Анвар Курязов иши бўйича кассация инстанцияси судига келтирилган протест 6 апрель кўни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Бу ҳақда Олий суд Матбуот хизмати маълумот берди.

Огоҳлик

Яна бир хавфли дори воситаси

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси «Tutukon Neo ичиш учун эритма 250 мл» дори препаратидан огоҳ бўлишга чақирди.

Испаниядаги Дори воситалари ва тиббий буюмлар агентлиги (AEMPS) қарорига биноан, Испаниянинг Laboratorio Miquel Y Garriga Inc, S.L. корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган «Tutukon Neo ичиш учун эритма 250 мл» (флаконларда) дори препарати «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» талаблари бузилган ҳолда ишлаб чиқарилгани аниқланган. Шунга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази «Tutukon Neo» дори воситасининг Ўзбекистон ҳудудига кириб келган қуйидаги: R-049, R-050, R-051, R-078, R-080, R-222, R-236, R-081, R-124, R-204, R-205, R-206, R-218, R-219, R-220, R-221, R-223, R-224, R-225 сериялари фармацевтика бозоридан муомаладан қайтариб олинаётганини маълум қилди. Мазкур дори воситаси буйрақлар яллиғланиши касалликларида қўлланилади.



Ҳаёт инсонга турли синовлар берар экан. Шундай кунларда ўзини йўқотмай, сабр қилган ва олдинга интилган инсон, албатта, муродига етар экан. Мен мана шу ҳақиқатни ўз тақдиримдан кўрганлардан бириман...



...Ижтимоий тармоқлар кучли нафрат ричаглари – маданиятсизлик, ахлоқсизлик белгиларини ўзида намён этиб, инсон психикаси, фикрлаш жараёни, унинг маънавий улғайишига катта зарар етказувчи муҳит ҳамдир...

ТУШГАНИ ТҮРТ ТОМЧИ, ТОШҚИНИ...



Пойтахтимизда кузатилаётган ёгингарчилик тошқинларга сабаб бўлмақда. Кўчалар сувга тўлган, ариқлардан сув кетмаган, автотомшиналар сувга тушган...
Савол туғилади: бунга ким ёки нима айбдор?
Шаҳримиз дренаж тизими эскирганми? Ёки қурувчиларнинг хатосими бу?
Не бўлганда ҳам, ҳолимиз шу... Бу ҳолдан кимдир сабоқ чиқарадими? Шуниси муҳим!



Бугуннинг тапи

ОБ-ҲАВО ҲАФТА ДАВОМИДА

Кундузги ҳаво ҳарорати ҳафта давомида **+20...+23** даражадан **+15...+18** даражагача ўзгариб туради.

3-4 апрель кунлари Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида баъзи жойларда кучли ёмғир ёғади. Республика бўйича баъзи жойларда шамол тезлиги 15–20 метр/сониягача кучайиши, айрим жойларда чанг-тўзонлар кўтарилиши, шунингдек, дўл ёғиши кузатилади.



Республиканинг тоғолди ва тоғли ҳудудларида вақти-вақти билан ёмғир ёғади,
3–6 апрель кунлари баъзи жойларда ёгингарчилик кучли бўлади. Баланд тоғли ҳудудларда **5–6 апрель кунлари** ёмғир қорға айланиши мумкин.

Келгуси сонларда ўқинг...

САФИМИЗ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

МАТОЛАРДАН ЯРАТИЛГАН МУЪЖИЗАЛАР

ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛАЛАР



Фарғона вилояти

Тарғибот

«БУ МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — БУ МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ!»

«Фарғона иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамиятида «Бу менинг танловим – бу менинг Конституциям!» мавзусида янгилаётган Бош Қомусимиз лойиҳасининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тарғибот тадбири бўлиб ўтди.



фойизга янгилаётганига, амалдаги 128 та моддадан 91 тасига концептуал ўзгаришлар киритилганига эътибор қаратди. – Ушбу ўзгаришларнинг аксарияти мазмун-моҳиятига кўра, «Инсон – жамият – давлат», «Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат» деган та-

мойиларни конституциявий қоида сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Учрашувда сўз олган маърузачилар кўпчиликини қизиқтирган саволларга, шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасидан ўрин олган кўплаб янги модда ва нормаларга батафсил изоҳ ва тушунтиришлар бериб ўтдилар.

Раҳматжон ҒОҒҒОРОВ, «Фарғона иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти матбуот котиби

Халқаро анжуман

Тиббиёт ходимлари муҳофазаси – Марказий Осиё касаба уюшмалари эътиборида

Хива шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари кенгашининг биринчи сайёр семинари бўлиб ўтди. Унда Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари, ҳамкор уюшма ва ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

«Тиббиёт ходимларига хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини жорий этиш ва ривожлантиришда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмаларининг роли»га бағишланган тадбирни Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Хананияев олиб борди.

Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари кенгашининг таъсис йиғилиши жорий йилнинг 17 мартда Тожикистон, Қирғизистон, Мўғлистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари ва Қозоғистон «AQNIET» соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган эди. Қисқа фурсатда кенгаш амалий фаолиятга киришди.

Семинарда сўзга чиққан Халқаро Меҳнат Ташкилоти Меҳнатқашлар фаолияти Бюроси (ACTRAV)нинг Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергиус Гловацкас, Халқаро Меҳнат Ташкилоти эксперти Харри ва бошқалар анжуман кун тартибидан ўрин олган масалаларнинг ниҳоятда долзарблигини алоҳида қайд қилиб, кун тартибидеги масалалар юзасидан ўз фикрларини билдиришди.

Тадбир доирасида соғлиқни сақлаш ходимларига хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан тажриба алмашинди. Қонунчилик асослари, меҳнат муҳофазаси бошқаруви тизими, тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси масалалари таҳлил қилинди. COVID-19 пандемияси даврида тармоқ ходимлари меҳнати муҳофазаси, меҳнат гигиенаси соҳасида орттирилган тажрибалар ўртоқлашилди. Ходимларни ишга қабул қилишда меҳнат хавфсизлиги ва уларнинг мустақил равишда иш фаолиятларини олиб боришларида қонунчилик талабларига риоя этилишида иш берувчи ва ҳукумат билан ҳамкорлик масалалари юзасидан гуруҳларга бўлинган ҳолда таклифлар ишлаб чиқилди.

Семинарнинг иккинчи кўни тиббий суғурта тизимига ўтишда касаба уюшмаларининг ролига бағишланди. Бу жабҳадаги тажрибалар, айнан шу жараёнда касаба уюшмаларининг роли юзасидан мутахассислар маърузалари тингланиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Муҳаббат ТҮРАБОЕВА «ISHONCH»



Тошкент вилояти

Ҳаёт инсонга турли синовлар берад экан. Шундай кунларда ўзини йўқотмай, сабр қилган ва олдинга интилган инсон, албатта, муродига етар экан. Мен мана шу ҳақиқатни ўз тақдирда кўрганлардан бириман.

Миннатдорлик

«Аёллар дафтари» сабаб ҲАЁТИМГА РАНГ, УМРИМГА МАЗМУН КИРДИ

Ўртаҳол оилада туғилдим, вояга етдим. Тўнғич фарзанд эдим. Балки шу сабаб ука ва сингилларимга нисбатан масъулият кўпроқ менинг гарданга тушган. Имконим етганча ота-онамга кўмакчи эдим.

Мақтабни тамомлағач, олий ўқув юртига ҳужжат топширдим, аммо ўқишга киролмадим. Кейин гўзаллик салоидаги аёлга шогирд тушдим, ҳунарнинг сир-асрорларини ўргандим. Бу орада турмушга чиқдим. Келин бўлиб тушган хонадоним ҳам ўртаҳол оила эди. Турмуш ўртоғим ҳам ўша кезларда кундалик ишлар билан шуғулланарди.

Оила қурганимдан бир йил ўтиб, ўғил фарзандли бўлдим. Шундан сўнг етишмовчилик ҳамон барҳам топмаган эди. Мен нажотни бир вақтлар ўрганган ҳунаримда кўрдим. Ижарага жой олиб, гўзаллик салои очдим. Лекин... ишим юришиб кетмади. Ҳатто бир йилда икки-уч марта жой ўзгартиришга ҳам тўғри келди.

2017 йили оиламизда янги меҳмон – қиз фарзанд дунёга келди. Аммо етишмовчилик ҳамон барҳам топмаган эди. Мен нажотни бир вақтлар ўрганган ҳунаримда кўрдим. Ижарага жой олиб, гўзаллик салои очдим. Лекин... ишим юришиб кетмади. Ҳатто бир йилда икки-уч марта жой ўзгартиришга ҳам тўғри келди.

2019 йили маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилдим: менга ўз маҳалламда гўзаллик салои очишимга кўмак зарур эди. Аммо ёрдам берилмади. Балки имкони бўлмагандир...

2021 йилнинг июнь ойида маҳалла фуқаролар йиғинидан кўнғироқ қилишди: пойтахтга ўз ҳунарим бўйича бепул ўқишга боришим мумкин экан. Таклифга дарҳол рози бўлдим. Кейинчалик билсам, Президентимизнинг ташаббуси билан амалиётга жорий қилинган «Аёллар дафтари»га киритилган эканман.

Айни шу ташаббус доирасида пардозчилик соҳаси бўйича икки ҳафта таҳсил олдим. Ўқишни тугатиб уйга қайтгач, маҳалла идорасига қақаришди. Бордим. Бир неча нафар одамлар тўпланиб, кутиб туришган, уларнинг орасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгашидан ҳам масъуллар бор экан.


Шу кунни маҳалламизга махсус жиҳозланган контейнер ўрнатиб беришди. Ичида гўзаллик салои учун нимак керак бўлса, ҳаммаси тахт эди.

Очиғи, ўша вақтдаги шодлигим, ичимдан ўтган туйғулар фақат ўзимга аён. Сўз билан ифодаб бера оладиган битта ҳолат шуки: давлат биз учун ҳақиқатан ҳам, қайғураётганини ўша кунни чуқур ҳис қилдим.

Мана, икки йилдирки, шу ерда ишлаяпман. Шуқрлар бўлсинки, маҳалла-қўйда ўзига яраша ҳурмат қозондим. Ҳалол касб ортидан оилавий аҳволимиз ҳам анча яшиланди. Ҳозир ёнимга шогирдлар олганман.

Синовли кунларда бизни ёлғизлатиб қўймаган, мана шундай шароит яратиб берган Президентимизга, мутасаддиларга ўз ташаккуримни билдираман. Зеро, «Аёллар дафтари» сабаб ҳаётимга ранг, умримга мазмун кирди.

Оққўрғон тумани



Сурхондарё вилояти



Яқдиллик билан қабул қилинди



«Худудгаз Сурхондарё» газ таъминоти филиалида 2020-2022 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилиши бўйича янги жамоа шартномасини қабул қилиш юзасидан йиғилиш ўтказилди. Унда филиал директори М.Мансуров ҳамда касаба уюшма етакчиси А.Қобиловнинг ҳисоботлари тингланди.

Таъкидланганидек, айни пайтда корхонада 1101 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Уларга жамоа шартномасида белгиланган имтиёз ва кафолатлардан келиб чиққан ҳолда ўтган йили 65 миллиард 600 миллион сўмдан зиёд маблағ тўлаб берилди.

Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан спорт тадбирлари ўтказиш, тарихий шаҳарлар ва маҳаллий

диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштириш, ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш, маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш, фарзандлари учун оромгоҳларга йўлланмалар бериш каби қатор хайрли мақсадлар учун маблағлар ажратилди.

Бу каби жиҳатлар алоҳида эътироф этилган йиғилишда жамоа шартномасининг 2022 йилда бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар қониқарли деб топилди. 2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилган янги жамоа шартномаси эса яқдиллик билан қабул қилинди.

Мухтор АНОРБОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши бўлим мудири



Наманган вилояти

ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

«Худудгаз Наманган» газ таъминоти филиали меҳнат жамоасида ташкилот жамоа шартномасининг 2022 йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда филиал директори ўринбосари Ўткирбек Мамадалиевнинг ҳисоботи тингланди.

Шундан сўнг филиал бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Абдулбосит Собиров жамоа шартномасида белгиланган бандларнинг бажарилиши юзасидан сўз юритди.

– 1116 нафар ходим фаолият олиб бораётган жамоада касаба уюшмаси фаолияти яққол сезилиб туради, – дейди ташкилотнинг иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи Шокиржон Иззатуллаев. – Янги тахрирдаги Меҳнат кодексидан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномаси лойиҳасига ишчи-ҳодимлар манфаатларини ифода этувчи бир қатор таклифларимизни бердик.

Йиғилишда иштирокчилар ташкилотнинг 2023-2025 йиллар учун тузиладиган янги жамоа шартномаси лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳуррият БОЙМИРОВА

Орзуғул РУСТАМОВА «ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

ОТАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ЭТИЛСА...

САВОЛ:

Собиқ хотиним унинг қўлида қолган қизимга нисбатан мени оталик ҳуқуқидан маҳрум қилдириши ҳақида юрибди, мен бунга мутлақо қаршиман. Оталик ҳуқуқидан қандай ҳолларда маҳрум қилинади? Агар оталик ҳуқуқидан маҳрум бўлсам, алимент тўлашдан озод қилинаманми?

Ш.БЕКТЕМИРОВ

Самарқанд шаҳри

ЖАВОБ: Оила кодексига мувофиқ ота-она (ёки улардан бири) қуйидаги ҳолларда: ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, урсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гийёҳандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёҳуд эри (хотинининг) ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Бироқ бу ҳолат ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибидан амалга оширилади. Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онани (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳам кўриб, ҳал қилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Жиззах вилояти

Билмаганимиз билганимиздан кўпроқ

Ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш ҳамда меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига аъзо ташкилотларда турли тадбирлар уюштирилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори И.Жабборов, меҳнат ҳуқуқ

инспектори С.Нуруллаев ва ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси Н.Султонов билан биргаликда «Тошкент минтақавий темирийўл


Жамоатчилик назорати

узели» унитар корхонасига қарашли Жиззах темирийўл масофасида жамоатчилик назорати ўтказилди.

Ўрганиш жараёнида ишчи ва хизматчи ходимлар билан очиқ мулоқот уюштирилиб, ходимларнинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид муносабатлар юзасидан таклифлари тингланди. Учрашув давомида ходимларга Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Меҳнат кодекси, меҳнатни муҳофаза қилишга доир янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тақдим этилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

Япония ташқи ишлар вазири Хитойда бўлди



Хитой ТИВ сайтининг хабар беришича, Япония ташқи ишлар вазири Ёсимаса Хаяси хитойлик ҳамкасби Цинь Ганнинг таклифига биноан, 1-2 апрель кунлари Пекингга ташриф буюрган.

Ахборот манбаларининг қайд этишича, Хитой ва Япония ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари ўзаро кескин муносабат асосида уч йилдан зиёд вақт ичидаги илк мулоқотни ўтказган.

Музокараларнинг асосий мавзуси Хитойда Япония фуқаролари қўлга олиниши, шунингдек, Тайвань атрофидаги вазият бўлган. Томонлар Хитойнинг ҳарбий фаоллигини кучайтириш, хусусан, Россия билан ҳамкорлигини ҳам муҳокама қилишган.

Исроилда намоийшлар тўхтамапти



Исроил Бош вазири Беньямин Нетаняху мунозарали суд-ҳуқуқ ислоҳоти вақтинчалик тўхтатилишини эълон қилганига қарамай, 1 апрель кунини Тель-Авив, Куддус ва бошқа шаҳарларда 450 мингдан ортиқ одам яна намоийшга чиқди.

Исроилда оммавий норозилик намоийшлари январь ойи ўрталаридан бери давом этмоқда. 27 март кунини мамлакатда «Миллий фалажлик ҳафталиги» эълон қилинди –

суд ислоҳотларига қарши бир қатор намоийшлар ва иш ташлашлар ўтказилди, уларга етакчи касалхоналар қўшила бошлади. Бироқ ўша кунини Беньямин Нетаняху қонун лойиҳасининг «иккинчи ва учинчи ўқилишини тўхтатишга қарор қилганини» билдирди. Шу тариқа, у апрель ойининг охиридан кечиктирмай парламентда овоз берилиши учун тақдим этилиши мумкин.

Оламда

Нефть қазиб олиш камайди

Саудия Арабистони, Россия ва бошқа ОПЕК+ нефть экспорт қилувчи давлатлар нефть қазиб олиш ҳажмини кунига тахминан 1,15 миллион баррелга қисқартиришларини эълон қилди.

Саудия Арабистони Энергетика вазирлиги Ар-Риёд қазиб олишни кунига 500 минг баррелга, БАА нефть қазиб олишни 144 минг баррелга, Ироқ – 211 минг баррелга, Кувайт – 128 минг баррелга, Қозоғистон – 78 минг баррелга, Уммон – 40 минг баррелга ва Жазоир – 48 минг баррелга қисқартиради, деб ёздади Reuters.

Ишлаб чиқаришни қисқартириш май ойида бошланади ва йил охиригача давом этади.



Ижтимоий тармоқлар бугун бизнинг сояимиз ёнги аксимизга айланган. Ҳаётимиз, ишимиз, умуман, деярли ҳар бир кунимизни унда акс эттираемиз, бирон бир воқеа-ҳодисаларга фикр билдираемиз, муносабат кутамиз. Дейлик, бир аёл тармоқларда фикрини нотўғри ифода этди. Бу ҳаммада ҳам бўлиб турадиган ҳолат. Баъзан кўпчилик фикрини тўғри ифода этиш тугул, нима демоқчилигини тўшунтиролмай қолади. Кейин тармоқларда ҳақиқий театр бошланиб кетади. Кимдир ҳаётда бошқа ролни ўйнаб юрса-да, тармоқларда унинг асл юзи очилиб, ҳамма бирданга ёки бир-бирдан ранг олиб ўша аёлни қарғашади, очиқдан-очиқ сўкишади, орада аёлнинг ота-онаси, фарзандлари ҳам қолмайди. Ачинарлиси, маъзава ағдариш ишларини аёллар бошлаб беради. Эркаклар ҳам улардан қолишмайди. Аёл узр сўраб чиқса ҳам, адашганини, шошиб нималар деб ёзганини билмай қолганини қайта-қайта изоҳларда эслатиб ўтса ҳам бу «томоша» давом этаверади.



Нафратдан бошқа чора борми?

Тармоқ фаоллари эса воқеани ақли расолик билан, оловга чўғ сепмаслик учун ҳиссиётларсиз, мўтадиллик билан муҳокама қилишга чорлаш ўрнига бўлиб ўтган воқеанинг ўзиданда катта резонансли, ноҳолис пост, мақолалар қўя бошлашади. Оқибатда ноўрин, ярамас сўзлар билан омикта қилинган «тахлил» ижтимоий кайфиятга ҳам кўчиб боради-да, одамлар холис ва мўтадил хабарларнинг аҳамиятини тушириб юборадилар...

Тармоқ фойдаланувчилари асосан «негатив» деб атайдиган кайфиятни бериш учун мўлжалланган, ўша кайфиятни олиб туришга ҳам ўрганиб қолган аудиториянинг иштаҳасини ҳам тўйинтириб туриш учун бу каби мавзуларни топиб қалам тебратадиган, шу залда бирон-воқеа-ҳодисанинг таҳлилда одамларнинг вақтини, қувватини маърифатга,

маданиятга эмас, балки нафратни кучайтиришга хизмат қиладиган телеграм каналлар, Фейсбукдаги махсус гуруҳлар кўпайиб борапти. Бу жараён шу қадар оммалашиб кетдики, тармоқдаги гуруҳ администраторлари ҳам бу хабар-муносабатларни берганидан хурсанд, ўқувчилар ҳам маъзур негатив, кимдир сўкиб, «уриб» чиққан, оммавий сазойи қилинган хабарларсиз туролмайдиган бўлиб қолишади.

Ижтимоий тармоқлар кучли нафрат ричаллари – маданиятсизлик, ахлоқсизлик белгиларини ўзида намойён этиб, инсон психикаси, фикрлаш жараёни, унинг маънавий улғайишига катта зарар етказувчи муҳит ҳамдир. Шу боис чет давлатларда негатив омиллар кенгайиб кетмаслиги учун бир қанча йирик медиа ташкилотлари бўлган Instagram, Facebook, LinkedIn, Twitter кабиларнинг ишчилари махсус ишлаб

чиқилган дастурлар ёрдамида тармоқ, гуруҳлардаги мулоқотларни мунтазам кузатиб борадилар. Агар фойдаланувчилар чегарадан чиқиса, ўша заҳоти фойдаланувчига билдиришнома жўнатилиб, унинг бу хатти-ҳаракати, ҳақоратли сўзлари қайта тақдорлашмаслиги, акс ҳолда, профил эгаси блокляниши ҳақида огоҳлантиришади. Қизиғи шундаки, агар бу тизим фойдаланувчиларнинг ана шундай заҳарли муносабатини кўрмай қолса, бунга четдан кузатаётган тармоқ фойдаланувчиларининг ўзи улар устидан ижтимоий тармоқдаги администраторларга, алоқа хизматларига шикоятлар йўллашади ва табиийки, шикоят қондирилади. Инглиз ёки бошқа хорижий тилда бирон ҳақоратли сўз ёзишга интилиш бўлган заҳоти тармоқдаги сунъий интеллект ўша изоҳ, матнни оммага кўрсатишга руҳсат бермайди, бу сўзларни чиқара олганингиз билан тармоқ сизни муайян муддатга блокляйди.

Нозима ОЛИМОВА, журналист

Фельетон ўрнида

МУҲЛИСИНГМАН, МАЖЛИСЖОН!

Отам Вақўтаров мажлисга кетган пайтда дунёга келган эканман. Йиғилиш сабаб туғуруқхонадан чиқар чоғимиз ҳам келолмабди. Онам шўрлик жаҳл устида қулоғимга ўзи азон айтиб, отимни Мажлисжон қўйворган экан.

Ёшлигимданоқ боғча, мактаб, гуруҳ, ота-оналарнинг, синф, октябрят, пионер, комсомол ташкилотларининг менинг номим билан ўтказиладиган йиғинларда гурур билан қатнашдим. Улғайганим сари мажлислар ҳам катталашди.

Талабалик мени янада тоблади. Қайси мажлисга кўпроқ одам керак бўлса, дарсларни тўхтатиб, бизни ҳайдашарди. Шу аснода қарсақбозлик ва нотўғри санъатини пухта ўзлаштирдим. Айниқса, ёшлар номидан сўзлаш керак бўлса, қўлимга берилган матнни қойиллатиб ўқирдим.

Сўзамоллик санъатининг ҳам ўзига хос сир-асрорлари бор. Жумладан, «муҳтарам» деган сўзни ўрнида ишлатмасангиз бўлмайди. Зинҳор-базинҳор муҳтарамдан сўнг бидирлаб, матнни ўқиб кетманг. Бироз сукут сақлаб, нигоҳингизни залга қаданг. Сўнгра залворли ва баландпарвоз гапларга тўн кийдилинг. У ёғи ўз-ўзидан кетаверади.

Дипломли бўлган, ишга кирдим. Корхонамиз раҳбари ишнинг кўзини билса-да, гагга нуноқ экан. Мажлисни икки оғиз сўз билан тугатади-қўяди. Ходим-

лар орасида ўтириб ичим ёнади, денг. Гапни тўғри келган тарафга обқочолмайди. Айниқса, катта рабарлар олдида пўнг-пўнг қилишдан нарига ўтолмайди. Ана шундай йиғинларнинг бирида ёш мутахассис деб, менга сўз бериб қолишса бўладими, вей, гапни қарсиллатиб, ёриб ташладим. Шу боис уч ой ўтмай, каттагина ташкилотга бошлиқ этиб тайинландим.

Раҳбарлик асли мен боп экан. Гоҳ у мажлисга, гоҳ бу мажлисга бораман. Қайтиб келиб, ишхонада ҳам мажлисни «ёндираман». Қараб-сизки, кун ўтади. Мажлис танамга қон билан кирган эмасми, ундан сира ҳам зериканам йўқ. Аммо ходимларимнинг кўпи ношуд. Мажлисида эшитиб келганим ҳам мажлис ўтказиб, одамларга етказолмайди. Натийжа нима бўлади? Одамлар ҳам мажлиссиз бирор иш қилолмайди, диган ялқовга айлиб қолади. Мажлисида гап кўп, биродар! Тўғри, охириги пайтларда

мажлисларга тақиқ қўйилгани, вақти чегаралангани ёмон бўлди. Лекин биз бунинг ҳам йўлини топдик. Чунки ўзимизга ўхшаган мажлис шайдолари кўп. Жамиятга сариқ чақалик нафи тегмаса-да, «муҳтарам»ни жойига қўядиганлар бор. Сиз бошида

этиришади. Бири боғдан, бири тоғдан келиб, роса обқочади. Уларни асло тўхтатиб бўлмайди, ҳатто, тўхтагандан кейин ҳам ярим соат гапирди. Сиз маза қилиб ўтираверасиз.

Ҳа, айтмоқчи, ора-орада «Кимда фикр ёки тақлиф бор?» деб сўраб туринг.



Кўркманг, эсли-ҳушли одам минбарга

гўёки регламент белгиланган бўлмасин. Тугаш вақти яқинлашганда боёғи мажлисни хуш кўрувчилардан тўрттасига астагина сўз илмоғини илдириб юборасиз, тамом-вассалом! Гагга интиқ бўлиб, жойида ўтира олмаётганларнинг ўзлари мажлисни давом

ташна эмас. Бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Айнан шу мавзуда кичкинагина илмий иш бошлаб ҳам қўйганман. У «Бир кунлик икки, уч, тўрт босқичли мажлислар ва уларнинг самаралари» деб номланган.

Мен сизга айтсам, мажлислар бир неча турга бўлинади. Катта мажлис, ўрта мажлис, кичик мажлис, маслаҳат мажлиси ва сўнггиси мажлис-ча. Шуларни бир ҳафтага тақсимланг-чи... Математикани ўқиганмисиз, ўзи?..

Эй биродар, нега қўзингиз олайиб кетаяпти? Мени «мажлисбоз», дедингизми?.. Ҳай-ҳай, шовман! Доно халқимизнинг «Кенгашли тўй тарқамас», деган нақли бор. Демак, ҳамма нарсани мажлисларда пиштириб олмас бўлмайди. Мана, битта мисол. Юқоридан топшириқ олдингизми, албатта, мажлис ўтказинг. Масалани мажлиссиз муҳокама қилиб бўладими? Ҳар бир ишни йиғилиш ўтказиб тушунтиринг. Ходимларингиз ҳам қўрилган масалани жойларга чиқиб, одамларга ҳиж-жалаб уқтирмайдилар-ку. Демак, улар ҳам мажлис қақирсинлар. Бунга қанча вақт, неча кун кетади, деманг. Ҳамма ўзаро мажлис ўтказиб, вазифаларни тақсимлаб олса, бунинг нимаси ёмон? Мен сизга айтсам, мажлиссиз қилинган иш бисмиллохсиз нонуштадек гап!..

Ия, тўхта! Сен кимсан ўзи? Қоч, нари тур! Сенга мажлисинг аҳамиятини тушунтираман деб, тўртта йиғилишдан қолиб кетибман-ку...

Мажлисжон Вақўтаровдан вақтин аямаяй ёзиб олган Нурилла ШАМСИЕВ

АСАЛНИНГ ҲАМ ОЗИ ШИРИН

ёхуд йўл қоидалари бузилишига сабаб бўлаётган иллатлардан бири ҳақида

Ўша кунни дори олиш учун бораётгандим. Мендан сал олдинда қўлоғига қўлоқчин тақиб олган икки нафар мактаб боласи ҳам бор эди. Чорраҳага келганимизда улар светофорнинг қизил чироғи ёнганга ва ҳайдовчилар сигнал берганига қарамай, йўлни кесиб ўта бошлашди. Оқибатда енгил машиналардан бири бошқарувни йўқотди ва бошқа автомобилга бориб урилди. Ундан шошиб тушган ҳайдовчи жаҳл деб «Кўзларинг кўрми?.. Қўлоқларинг том битганими?» деб болаларга бақира кетди. Ўқувчилар эса, ҳеч нарсани кўрмагандай-билмагандай, бамайлихотир юришда давом этдилар...



Дарвоқе, сўнгги пайтларда қўл телефони ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. Боз устига, ёшларимизнинг аксарияти кўча-қўйда, жамоат жойларида, транспорт воситаларида ўша матоҳга уланган қўлоқчинни тақиб юришга одатланди. Ҳатто, уй юмушларини бажараётганда ёки бошқалар билан гаплашаётганда ҳам ундан фойдаланаётганлар кўп учрайди. Аслида, олимларнинг таъкидлашларича, бу асбобнинг овозини банд қилиб, узоқ вақт фойдаланиш кишининг эшитиш қобилияти сустайишига олиб келади. Масалан, йўловчи метрога тушганда у ердаги шовқинни эшитмаслик учун қўлоқчин овозини максимум даражага кўтарди. Бу зарарли ҳисобланади. Чунки инсон қулоғи эшитиши мумкин бўлган энг паст товуш 10-15 децибелга, доимий эшитишнинг энг юқори даражаси 25 децибелга тўғри келади. Қўлоқчин орқали янграётган мусиқанинг овози эса 60 децибел, аниқроғи, ҳайдовчиларнинг, уловчи раҳбари бошқариб боруви ва йўлдан фойдаланувчи ўзга шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақикловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бири қисми миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши қайд этилган.

Биз ҳар қандай вазиятда ҳам жорий қонунларга риоя қилишимиз зарурлигини, айниқса, йўл қоидаларига бўйсунмиш умр фойдаси эканлигини унутмаслигимиз шарт!

Мен тенгдошларимнинг фикр-мулоҳазаларига қизиқиб, уларга «Қўлоқчиндан қай ҳолларда фойдаланиш керак?» деган савол билан мувожабат қилдим. Етмиш фоизи ён-атрофдан тарқалаётган шовқинлардан ўзини ҳимоя қилиш ёки вақтдан ютиш учун ҳар хил аудиоқитловлар тинглаш мақсадида ундан фойдаланишини билдирди. Қолганлари эса асосан мусиқа ва қўшиқлар тинглашини айтишди.

Ҳолбуки, «Асалнинг ҳам ози ширин» деганларидек, ҳамма нар-

Мадина ПЎЛАТ қизи «ISHONCH»

Бугун...

Макроннинг Чинга келиши чинга ўхшайди


Франция Президенти Эммануэль Макрон 5-7 апрел кунлари Хитойга давлат ташрифи билан келади. Бу ҳақда Хитой Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Хуа Чуньин маълум қилди.

Макрон ва Цзиньпин охириги марта Индонезиядаги «G20»саммити доирасида учрашишган ва Франция давлат раҳбарининг Пекингга сўнгги ташрифи 2018 йилнинг январь ойида бўлиб ўтган эди.

Шунингдек, Европа комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйен ҳам шу кунлари Хитойга ташриф билан келади, деб маълум қилди ХХР ТИВ расмий вакили Мао Нин.



Хатчинсон АҚШ президентлигига номзодини қўймоқчи



Арканзас штатининг собиқ губернатори Аса Хатчинсон Республикачилар партиясидан АҚШ президентлиги сайловидида иштирок этишини эълон қилди ва мамлакатнинг собиқ Президенти Дональд Трампни қайта сайланиш режасидан воз кечишга чақирди. АВС телеканалига берган

интервьюсида Хатчинсондан Трампга қарши суд ишлари келтирилган бир пайтда унинг президентлик пойгасида иштирок этиши ўринлими, деб сўрашганда, Хатчинсон қатъият билан Трамп Америка Қўшма Штатларининг навбатдаги Президенти бўлмаслиги керак, деб жавоб берган.

Башир Асад Араб Лигаси саммитига борадими?

Саудия Арабистони Сурия Президенти Башар Асадни 19 май куни Ар-Риёда бўлиб ўтадиган Араб Давлатлари Лигаси саммитига таклиф қилишни режа-ламоқда. Бу ҳақда «Reuters» агентлиги икки манбага таяниб хабар берди.

Уларга кўра, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Файсал бин Фархан Ол-Сауд яқин ҳафталарда Дамашққа бориб, Асадга саммитда қатнашиш учун расмий таклифни етказди.

Дамашқнинг Араб Лигасидаги аъзолиги 2011 йил ноябрь ойида Сурияда бошланган ички инқироз авжига чиққан пайтда тўхтатилган эди. Аксарият араб давлатлари Сурия ҳукумати муҳолифат билан муросага кела олмагани учун ўз элчиларини Дамашқдан олиб чиқиб кетишди ва Сурияни иқтисодий бойкот қилишга қўшилишди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Орамуздаги одамлар

«ҚАНДАЙ ҚИЛИБ, БУ ЁШГА ЕТДИНГИЗ, ДЕБ СЎРАМАНГ»

ҲАЛИ ҲАМ КЕТМОН ЧОПИБ, ТОМОРҚАДА ИШЛАЙДИГАН 103 Ёшли ПИРНАЗАР БОБОНИНГ ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ



103 жуда улуг ва кутлуғ ёш. Шундай ёшга тўлган Пирназар бобо Турдиев раҳматли умр йўлдоши Шарофат Турдиева билан салкам олтимиш йил бирга яшади. Улар саккиз нафар фарзанд кўришди. Афсуски, фарзандларининг умри қисқа, ризқи калта экан, олтитаси гўдак-лигидаёқ нобуд бўлди. Ҳозир бобо 71 ёшли катта ўғли Шоназар ота билан ёнма-ён қурилган ҳовлида яшайди. Тандир-ўчоқ, қозон-товоқ битта. Бобонинг энг катта набираси 46 ёшда, энг кичик абираси бу йил 22 ёшга тўлди. Қизи Улфатхон момо 69 ёшга етди.

Пирназар бобо ёшлигида Кармананинг кураги ерга тегмаган полвони бўлган. Мурносиб рақиб излаб Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд томонларга тез-тез бориб турган. Тўй ва сайилларда ютган совринларни бир вагон бўлса-бўладими, асло ундан кам эмас. От, туя, қўй, эчки, сурп, атлас, беқасам, бахмал каби тўп-тўп матолар...

Тушунганга бу ҳам катта бир давлат.

Раҳматли кампири оғир дардга чалинади. Энг яхши шифокорларга кўрсатилади. Аммо фойдаси бўлмайди. «Гўдаклигидаёқ нобуд бўлган болаларимизнинг умрини сизга берсин», деб жон берган экан бечора.

– Қаранг, худди у айтганидек бўляпти. Насиб қилса, 20 майда 104 ёшга ўтаман. Аллоҳ рози бўлсин кампиримдан, – дейди Пирназар бобо. – Афсус, кампирим бугунги хушнуд кунларимизни кўролмади. Қани энди ҳозир ёнимда бўлса, оёқ-қўллари уни ўзим ювиб, оқарган сочларини ўзим тараб қўяр эдим. 70 ёшимда жуда ёмон касал бўлгандим. Ҳаётдан умидимни узгандим, аммо бечора кампирим ҳаётимни асраб қолганди...

Пирназар Турдиев урушдан кейин ўз қишлоғида ҳисобчи, раис ёрдамчиси бўлиб ишлади, темирчилик, чарчилик билан шуғулланди. Топганини оиласидан, халқдан аямади. 60, 80 ва 93 ёшида беминнат дастурхон ёзиб, халққа катта тўй берди. Шу йилнинг 20 майида яна бир тўй қилишни дилига тудан қўйибди.

103 ёшли Пирназар бобо билан хайрлашар эканмиз, отахон автомашина турган 20 қадамча масофани шахт билан босиб ўтди.

«Кўп яшайман десангиз томорқада терлаб ишланг, кўк чой ичинг, папирос, нос чекманг. Улар одамнинг ошириш мақсадига мунтазам равишда кўмондонлик-штаб, махсус-тактик, комплекс ўқув машқлари ва машғулотлар ўтказиб борилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – фавқулодда ҳолатлардан одамларни соғ-саломат олиб чиқиш. Мисол учун, кўмондонлик-штаб ўқув-машқлари, таомилга кўра, уч кеча-кундузгача давом эттиши мумкин. Бу тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ва бошқарув

роларни тезкор ва тўғри қарор қабул қилишга тайёрлаб, кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Ақбар ҚУВОНДИҚОВ, ФВВ академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Нормурод МУСОМОВ «ISHONCH»

БЕМИННАТ ШИФОХОНА

(Пирназар бобо ҳикояларидан)

Тахмининча, 1980 йилларгача ҳар бир қишлоқда сумалакнинг ўчоғини қовлайдиган йиғитлар бўлар эди. Қаторма-қатор қозонлар ўрнатилган ўчоқларнинг уч жойидан ўт ёқиларди. Сумалак тайёр бўлгач, аввало, ўчоқ қовлаганлар, кексалар, касалманд ва бева-бечораларнинг ҳақи бериларди. Кейин қозон, чўмич, ўтин, идиш-товоқ, кўрпа-тўшак келтирилганга сузиларди. Раҳматли онамиз ҳар йили камиди 20-30 кило сумалакни махсус идишга солиб қўярди. Роса тўйиб еганмиз. Аллоҳга шукр, умримизнинг узунлиги балки шундандир. У замонларда сумалак тайёрланган ўчоқлар дарров кўмиб юборилмасди. Иссиғи кетгунча фарзанд кўрмаётган аёллар ичига тушиб, соатлаб ётар эди. Бод касали борлар, оёқ-қўли ишламай қолганлар, бели оғрийдиганлар, ўпкаси шамоллаганлар нават кутиб турарди. Биргина ўчоқ шунча дардга даво бўлгандан кейин сумалакнинг ўзи ҳақида гапир-масаси ҳам бўлади.

Ўғлим, мендан қандай қилиб шу ёшга етдингиз, деб сўраманг, илтимос. Аллоҳ берган умр-да бу. Яратган эгам ҳаммага узоқ умр ато этсин!

Тўғриси айтсам, мен Пирназар бобо 103 ёшдан ошганини эшитиб, бир ҳайратлансам, шу ёшда ҳам катта кетмон билан шахсий томорқасида эрта баҳордан то кеч кузгача тинимсиз ишлашини эшитиб, янада ҳайратга тушим. У картошка экиш учун икки сотих ерни чопиб, қафтдек текислаб қўйибди. Томорқаси атрофидида мева-даракларга аллақачон шакл бериб улгурган. Зурриёт бозордан фақат туз ва шакар сотиб олишди, қолган ҳамма нарсани катта отанинг қаватида туриб, ўзлари етиштиришди. Шунинг учун ҳам Карманда «Пирназар бобонинг бозори кетмоннинг остида жойлашган», деган гап тарқалган.

Пирназар бобо даврага чиққанда воҳанинг манаман деган полвонлари ҳам астагина ўзини четга олган. Афсуски, урушдан олдинган жароҳат у кишининг полвон сифатида дунёга танилишига халал берди. 1941 йилдан 1946 йилгача жангларда қатнашган отахон тўрт марта яраланган.

Бу йил бобонинг кампири Шарофат момо оламдан ўтганига 28 йил бўлибди. Отахон ўшандан буён ёлғиз. Иссиқ-совуғидан аввалига келини хабар олиб турди. Келин деганимиз ҳам етмишни қоралаб қўйган аслида. Етмиш ёшда елиб-югуриб, қайночасининг хизматини қилиш ҳаммага ҳам насиб қиладиган хушдамлик, хушвақтлик эмас.

«ОЛТИН ҚАЛАМ» XVII Миллий мукофоти

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

XVII ОЛТИН ҚАЛАМ

«ОЛТИН ҚАЛАМ» XVII Миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси миллий ва халқаро журналистиканинг энг илғор ютуқларини кенг оммалаштириш, Янги Ўзбекистон руҳига мос янги тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, юртимизда инсонга эътиборни кучайтириш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, ОАВ ходимлари фаол фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шарафли яратилиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янги ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида «Олтин қалам» XVII Миллий мукофоти учун халқаро танловни эълон қилади.

Танлов битта бош миллий мукофот ва бешта асосий йўналиш – телевидение, радио, босма нашрлар, интернет-журналистика бўйича (ҳар бир йўналиш бўйича 1-, 2-, 3-ўринлар) ва чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали бўйича (босма нашрлар, ТВ, интернет – битта биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин) ўтказилади.

Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари ғолиблари диплом, «Олтин қалам» статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 100 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қуйидаги рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ташки этилади.

1. «Инсонга эътибор мавзуси энг яхши ёритилган материаллар учун»
2. «Таълим тизимидаги ислохотлар энг яхши ёритилган материаллар учун»
3. «Оила ва маҳалла мавзуси энг яхши ёритилган материаллар учун»
4. «Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси энг яхши ёритилган материаллар учун»
5. «Миллий қадриятлар энг яхши ёритилган материаллар учун»
6. «Соғлом турмуш тарзи ва спорт мавзуси энг яхши ёритилган материаллар учун»
7. «Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар энг яхши ёритилган материаллар учун»
8. «Бандлик ва ижтимоий ҳимоя масалалари энг яхши ёритилган материаллар учун»
9. «Энг фаол теле ва радио бошловчи»
10. «2022 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун»
11. «Энг яхши фоторепортаж учун»
12. «Экологик муаммолар кенг ёритилган материаллар учун»

Танловда 2022 йилнинг 31 мартидан 2023 йилнинг 31 мартигача босма ва интернет нашрларда эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материаллар кўриб чиқиладди.

Танловга ижодий ишлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг худудий бўлиmlлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмағида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари орқали, шунингдек, муаллифлардан тўғридан-тўғри электрон шаклда танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб жорий йилнинг 15 апрелига қадар қабул қилинади.

Бу жараёнда материаллар матбуот бўйича (PDF-файлда, ҳар бир материал алоҳида-алоҳида); интернет нашрлари бўйича материалларнинг ҳаволаси (линк, ссилкаси) кўрсатилган ҳолда; телевидение бўйича видео материаллар (3 дақиқадан 30 дақиқача телеграм форматда (аннотацияси, қисқача мазмуни баёни билан); радио йўналиш бўйича аудио материаллар (3 дақиқадан 30 дақиқача, аннотацияси, қисқача мазмуни баёни билан); фотожурналистика номинацияси бўйича ижодий ишлар (JPEG, TIFF ва PNG форматда аннотацияси, қисқача мазмуни баёни билан).

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг (99-466-10-25) рақамига очилган (O'zbekiston Journalistlar uyushmasi) телеграммига юборилиши сўралади.

Танловда таҳририят, теле ёки радиоканал ҳамда ижодий жамоалар ҳам жамоавий қатнашиши мумкин. Мазкур жараёнда ҳам юқоридаги тартибларга қатъий амал қилинади. «2022 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун» номинацияси бўйича танловда қатнашиш истагида бўлганлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига китобидан бир дونا тақдим этади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: – муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумот (объективка); – муаллифнинг паспорти нусхаси, телефон рақами.



Мурожаат учун телефонлар: 71 244-62-89, 71-244-64-62

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-йил 11-январда O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

- Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
- Ulug'bek JALMENOV,
- Anvar ABDUMUXTOROV,
- Sayfullo AHMEDOV,
- Akmal SAIDOV,
- Ravshan BEDILOV,
- Qutlimurot SOBIROV,
- Suhrob RAFIQOV,
- Shoqosim SHOISLOMOV,
- Hamidulla PIRIMQULOV,
- Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
- Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

- Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
- Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
- Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
- Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
- Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
- Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
- Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
- Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
- Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
- Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
- Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
- Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Muallif fikr tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A.Haydarov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:30 Topshirildi – 23:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. Buyurtma G-413 Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 31278

14505 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Борлиқ турлисир-синаотга бой.
Ҳали қарасанг, дунёнинг қаеридадир сув тошқини, ҳали қарасанг, зилзилалар... Гарчи бизнинг мамлакатимиз тинч ва осуда бўлса-да, табиий офатлардан кафолатланмаган. Шундай экан, фавқулодда вазиятларда қандай йўл тутиш кераклигини билиб, ўрганиб қўйсак, фойдадан холи бўлмайди. Зотан, фуқаролар муҳофазаси ҳам давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларга нечоғли тайёрмиз?

Хусусан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳаммаша фавқулодда вазиятларга шай туриши кераклиги белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, белгиланган қонун ва қарорлар асосида аҳолининг фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш соҳасидаги тайёргарлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда кўмондонлик-штаб,

махсус-тактик, комплекс ўқув машқлари ва машғулотлар ўтказиб борилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – фавқулодда ҳолатлардан одамларни соғ-саломат олиб чиқиш. Мисол учун, кўмондонлик-штаб ўқув-машқлари, таомилга кўра, уч кеча-кундузгача давом эттиши мумкин. Бу тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ва бошқарув

роларни тезкор ва тўғри қарор қабул қилишга тайёрлаб, кўникмаларини мустаҳкамлайди. Ақбар ҚУВОНДИҚОВ, ФВВ академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Эҳтиёт – шарт!

Эҳтиёт – шарт!